# Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi 2020-yil 19-noyabr, payshanba 62 (9099)-son e-mail: info@qishloqhayoti.uz


## Шавкат МИРЗИЁЕВ: ПАНДЕМИЯ ПАЙТИДА ТЎПЛАГАН КАТТА ТАЖРИБАМИЗ АСОСИДА МУНОСИБ ЯШАШ ВА ИШЛАШДА ДАВОМ ЭТИШИМИЗ КЕРАК

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 17 ноябрь куни суд қарорлари ижросини таъминлаш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида мамлакатимизда коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият таҳлил қилинди.**

Жумладан, ўтган 8 ой мобайнида COVID-19 га қарши курашишда етарли тажриба тўплангани, тиббиёт ходимлари ҳам зарур малакага эга бўлгани таъкидланди.

Маълумки, "касаллик занжири"ни жиддий назорат қилган ҳолда карантин талаблари босқичма-босқич енгиллаштирилди. Аммо дунё мамлакатларидаги, қўшни давлатлардаги ҳолатни инобатга олиб, Ўзбекистонда бу касалликка қарши курашишни бир дақиқага ҳам тўхтатиб бўлмаслиги, чунки хавф-хатар ҳали ўтиб кетмагани айтиб ўтилди.

Юртимизда ушбу вирус билан касалланганлар сони 70 минг нафардан ортгани, тузалганлар сони қарийб 68 минг (96 фоиз), ўлим кўрсаткичи 599 нафарни (0,9 фоиз) ташкил этаётгани қайд этилди.

Ҳокимлар, секторлар раҳбарлари ва соғлиқни сақлаш тизими мутасаддиларига қатор вазифалар юклатилди.

Аввало, коронавирус билан боғлиқ вазият доимий равишда жиддий таҳлил қилиниши, керакли хулосалар чиқарилиши лозим. Хусусан, ҳафтада камида икки кун ҳудуддаги пандемияга оид ҳолат билан алоҳида шуғулланиб, штаб йиғилиши ўтказилиши, мунтазам равишда Республика махсус комиссиясига шахсан ҳисобот берилиши белгиланди.

– Яна бир марта таъкидлайман, бу касаллик бефарқликни асло кечирмайди. Шу билан бирга, биз коронавирус пайтида тўплаган катта тажрибамиз ва олган чуқур хулосаларимиз асосида муносиб яшаш ва ишлашда давом этишимиз керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Бугунги кунда Ўзбекистон бўйича 89 та муассасада 17 минг 500 ўрин COVID-19 билан касалланганлар учун ажратилган. Ҳозир ушбу ўринларда 6 минг 570 нафар бемор даволанмоқда. Койкалар бандлиги Қорақалпоғистонда 16 фоиз, Хоразмда 10 фоиз, Қашқадарёда 11 фоиз, Наманганда 19 фоизни, республика бўйича эса 38 фоизни ташкил этяпти. Шу боис улкан маблағлар бекорга сарф бўлаётгани қайд этилди.

Шу муносабат билан, мутасаддиларга коронавирусга ихтисослашган шифохоналар фаолиятини чуқур ўрганиб, уларни оптимизация қилиш топшириғи берилди.

Маълумки, таълим-тарбия тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш борасида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди, ушбу икки масалада яқинда алоҳида видеоселектор йиғилишлари ўтказилди.

– Мени мазкур фармон ва қарорларнинг жойлардаги ижроси, бу борада ҳокимлар қандай иш ташкил этаётгани ташвишга соляпти. Бугун ҳокимлар замонавий фикрлайдиган ва фидойи, жонкуяр халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларини ўз ёнига олиб иш кўрмас экан, амалий натижага эриша олмайди, – дея таъкидлади Президент Шавкат Мирзиёев.

Шундан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари мазкур йўналишлардаги ислоҳотларни амалга оширишда қуйи бўғин раҳбарларига шахсий намуна кўрсатиб, ҳафтада икки марта мактаблар ва тиббиёт муассасалари бўйича берилган топшириқлар ижроси билан шуғулланиши кераклиги қайд этилди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда гидрометеорология хизматини ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини гидрометеорологик маълумотлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги вақтда миллий гидрометеорология хизмати **330 дан ортиқ гидрометеорологик кузатувлар** ва **атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторингини** олиб борувчи пунктларни бирлаштириб, улар ёрдамида **240 турдан ортиқ прогностик**, сунъий йўлдошлардан олинадиган, таҳлилий, ихтисослаштирилган ва маълумотнома тусидаги гидрометеорологик маҳсулотлар тайёрланиши йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, сув ва қишлоқ хўжалиги, энергетика, шаҳарсозлик, саноат, транспорт ва туризм каби об-ҳавога боғлиқ иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланиши ва фаолият кўрсатишига кўмаклашувчи гидрометеорологик хизматлар сифати ва маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилишига салбий таъсир этувчи қатор муаммолар мавжудлиги ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Хусусан, гидрометеорология фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари тизимлаштирилмаганлиги, гидрометеорология хизматини ривожлантиришнинг узоқ муддатли концепцияси мавжуд эмаслиги, ушбу соҳадаги илмий-тадқиқот фаолияти замонавий талабларга жавоб бермаслиги, гидрометеорологик кузатув тармоғининг ривожланмаганлиги, шунингдек, бошқарув ва прогнозлар тайёрлаш жараёнларининг ортиқча марказлаштирилганлиги, ходимлар етарли даражада моддий рағбатлантирилмаётганлиги юкланган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминламаяпти.

Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини гидрометеорологик ва иқлимий маълумотлар билан таъминлаш ва мониторинг юритиш тизимларини такомиллаштириш, шунингдек, гидрометеорологик ахборотни олиш, тўплаш ва тарқатишда замонавий ахборот ҳамда сунъий йўлдош технологияларидан кенг фойдаланиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

**а) 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизматини ривожлантириш концепцияси** (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ;

**б) 2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизматини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича "йўл харитаси"** (кейинги ўринларда – "Йўл харитаси") 2-иловага мувофиқ;

**в) Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази кузатув тармоғини кенгайтириш ва автоматлаштириш бўйича дастур** (кейинги ўринларда – Дастур) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастур 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази (кейинги ўринларда – Ўзгидромет) учун назарда тутилган Давлат бюджети маблағлари, шунингдек, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

2. Ўзгидромет Ўзбекистон Республикасида **гидрометеорология, иқлим ўзгариши** ва **атроф табиий муҳит ифлосланиши** мониторинги соҳасида ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

Ўзгидромет Марказий Осиё давлатлари учун **Жаҳон метеорология ташкилотининг Минтақавий ихтисослаштирилган метеорология маркази,** шунингдек, **Жаҳон метеорология ташкилоти Жаҳон об-ҳаво хизматининг** гидрометеорологик маълумотларни тўплаш, ишлов бериш ва тарқатиш бўйича **Минтақавий телекоммуникация маркази** функцияларини бажариши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзгидромет ҳузуридаги "Метеоинфосистем" ахборот-техник бошқармаси негизида **"Гидрометеорологияда ахборот технологияларини ривожлантириш маркази"** давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Метеоинфоком) ташкил этилсин.

(Давоми 2-саҳифада)

Жиззах вилояти

## ЗАМОНАВИЙ ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

**Фориш туманидаги оҳак кони яқинида "Tianshan Industries" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси барпо этилди.**

Кейинги йилларда республикамизда қурилиш кўламининг кенгайиши қурилиш материалларига талабнинг кескин ошишига олиб келди. Бу жараёнда табиий газга муқобил бўлган бошқа ёқилғи турлари билан ишловчи, энергия тежовчи корхоналарга эҳтиёж ортмоқда.

Шу талабдан келиб чиқиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун ҳар томонлама қулай, табиий захираларга эга Жиззахда вилоят ҳокимлиги билан Ўзбекистон Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги ҳамкорлигида табиий газга муқобил бўлган кўмир ёқилғисида ишловчи энергия тежовчи оҳак ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди.

"Tianshan Industries" МЧЖ шаклидаги қўшма корхонанинг энергия тежамкор оҳак заводи лойиҳасининг 2,5 миллион АҚШ долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ташкил этади.

Корхонани барпо этишда тежамкор ёқилғидан фойдаланиш, атроф-муҳитни зарарлантирмаслик ва бошқа шартлар қабул қилиниб, тегишли норматив ҳуқуқий талаблар асосида ишлаш ҳисобга олинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан корхонага фойдаланиш учун ер майдони ажратиб берилган.

(Давоми 3-саҳифада)



Андижон вилояти

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КЛАСТЕРИНИНГ ҲИСОБОТ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ

***Андижон вилоятининг Бўстон туманида фаолият юритаётган "Сайёра фаввораси" хусусий корхонаси пахта тўқимачилик кластерининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишни пахта тўқимачилик кластерининг молявий масалалар бўйича директори Б.Қодиров олиб борди. Йиғилишда қишлоқ хўжалиги кластери бўлимларда олиб борилаётган ишлар танқидий ва таҳлилий кўриб чиқилди. Бугунги кунда кластер корхонаси тасарруфидаги 1786 гектарлик экин майдонидан ажратилган 34 та бўлимда қишлоқ хўжалик кластери раҳбари тайинлаган бўлим бошлиқлари иш олиб бораётган бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги кластери фаолиятида белгиланган тартиб бўйича пахта ва ғаллани сифатли етиштириш билан бирга, агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошириб, ҳосилни белгиланган режага етказиш йўлида астойдил ҳаракат қилишяпти. Бунинг учун эса кластер корхонаси томонидан бўлимлар учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилган. Лекин, бу каби имкониятлардан унумли фойдаланиш ўрнига сусткашликка йўл қўйган бўлим бошлиқларидан Б.Икромов, Э.Комилов, З.Қамбаровлар бошқараётган бўлимлар фаолияти қониқарсиз, деп топилди.

– Албатта, иш бор жойда камчилик бўлиши мумкин, – деди Баҳодиржон Қодиров ўз сўзида. – Лекин, бундай вазиятда оқсаётган бўлим бошлиқлари, намунали иш олиб бораётганлардан Лолахон Бойназарова, Қаҳрамон Ҳожиматов, Хайрулло Мадраҳимов, Шуҳрат Солиев, Адҳамжон Иномжонов, Яҳё Тешабоевларнинг илғор тажрибасини инобатга олиб, улар билан бамаслаҳат иш олиб боришлари керак эди.

Йиғилишда намунали бўлим бошлиқлари рағбатлантирилди. Шу билан бирга қониқарсиз бўлим бошлиқларига яна бир бор имконият берилди ва келгусида қилиниши керак бўлган вазифалари белгилаб берилди.

**Илҳомжон ТОЖИБОЕВ**

Навоий вилояти

## 230 ЎРИНЛИ ЗАМОНАВИЙ МЕҲМОНХОНА ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

***Бугун Навоий шаҳрининг "Ёшлик" маҳалласи ҳудудида умумий қиймати 64,8 миллиард сўм, 105 та хона ва 230 та ўриндан иборат бўлган замонавий тўрт юлдузли меҳмонхона фаолиятини бошлади.***

"Navoiy tinch tekstil" раҳбари, тадбиркор Жўрабек Холиқов ташаббуси билан бунёд этилган мазкур меҳмонхона фаолиятини бошлаши муносабати билан 67 та янги иш ўрни яратилди. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти ёшлардан иборатдир.

Бундан ташқари, 2 йил олдин қурилиши бошланган бинода ўтган давр мобайнида 500 нафардан ортиқ ишчи ўрни шаклланиб, уларнинг бандлигига ҳам кўмаклашилди.

Замонавий ва юксак архитектура намуналари асосида, юксак дид ва маҳорат билан қад ростлаган меҳмонхона бугун қурилиш индустриясининг янгича кўриниши сифатида Навоий шаҳрига ўзгача чирой бағишлади.

"Tinchlik Plaza hotel" меҳмонхонасида жисмонан заиф меҳмонлар учун мўлжалланган "Ногиронлар хонаси" ҳам ташкил этилган. Қолаверса, хорижий ва маҳаллий сайёҳларни қабул қилиш учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Хусусан, мазкур меҳмонхонада микроавтобус, автотураргоҳ, мусиқий фаввора, 4 та ресторан, замонавий спа-маркази ва ирланд усулида таъмирланган "PUB", фитнес клуб, очиқ ва ёпиқ сув ҳавзалари, "фитобар" ташкил этилганлиги сайёҳларга бирдек манзур бўлади, албатта.

– Меҳмонхона фаолиятини йўлга қўйишдан асосий мақсадимиз мамлакатимиз туризм соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир, – дейди тадбиркор Жўрабек Холиқов. – Энг муҳими, ўзимизнинг янги лойиҳаларимиз билан халқимизга хизмат қилаётганимиздан миннатдормиз.



Таъкидлаш жоизки, айни пайтда Навоий вилоятида туризм соҳасида 32 та умумий қиймати 142 миллиард сўмлик инвестицион лойиҳа амалга оширилмоқда.

Бу эса келажакда соҳа ривожида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Меҳмонхона очилиш маросимида Навоий вилояти ҳокими Қ.Турсунов иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Отабек АСЛОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ҚАРОРИ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Белгилансинки:

Метеоинфоком ходимларига Ўзгидромет ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тартиби қўлланилади;

Метеоинфокомни жорий сақлаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ходимлари меҳнатини қўшимча моддий рағбатлантириш бўйича харажатларни молиялаштириш Давлат бюджети, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзгидрометнинг **Тошкент гидрометеорология коллежи** негизида **Тошкент гидрометеорология техникумини** (кейинги ўринларда – Техникум) **ташкил этиш** ва уни **Ўзгидромет тизимига ўтказиш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Техникум гидрометеорология соҳасида **ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича базавий ўқув муассасаси**, метеорология, гидрология, гидрометеорологияда алоқа ва коммуникациялар соҳасида касб-ҳунар таълими бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш учун масъул этиб белгилансин.

Белгилансинки:

Техникумда кадрлар тайёрлаш **давлат буюртмаси ва тўлов-шартнома** асосида амалга оширилади;

Техникумнинг бино ва иншоотларини сақлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Техникум **Жаҳон метеорология ташкилотининг Минтақавий ўқув маркази** функцияларини бажариши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзгидрометда гидрометеорология, хавфли гидрометеорологик ҳодисалардан огоҳлантириш ва уларнинг олдини олиш, авиацияга метеорологик хизмат кўрсатиш ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги соҳасида фаолият юритувчи ходимларнинг Тошкент гидрометеорология техникумида дастур асосида **малакасини ошириш** тартиби жорий этилсин.

Мазкур банд ижросини самарали ташкил этиш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (Т.А.Худайбергенов), Мудофаа вазирлиги (Б.Н.Қурбонов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) бир ой муддатда ходимларнинг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ўзгидрометнинг “Гидрометприбор” илмий-ишлаб чиқариш корхонасини тугатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

7. Ўзгидромет тузилмасида:

Ўзгидромет ходимларининг умумий чекланган сони доирасида Бош директорнинг **ахборот технологияларини жорий этиш ва инновацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари** ҳамда Бош директорнинг **молия-хўжалик масалалари бўйича ўринбосари** лавозимлари жорий этилсин;

**Тошкент шаҳар гидрометеорология бошқармаси** ташкил этилсин.

8. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг ташкилий тузилмаси **4-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази марказий аппаратининг тузилмаси **5-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар гидрометеорология бошқармаларининг намунавий тузилмаси **6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзгидромет бош директорига, зарур ҳолларда, марказий аппарат, унинг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бошқармалари тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. **2021 йил 1 январдан** бошлаб:

а) Ўзгидромет ва Метеоинфоком ходимларининг лавозим маошларини ҳисоблашда Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядлари учун белгиланган тариф коэффициенти икки баравар оширилган ҳолда қўлланилсин;

б) Ўзгидромет ва Метеоинфоком ходимларига соҳада узоқ муддат хизмат қилгани учун қуйидаги миқдорда **ойлик устама ҳақ тўлансин** (белгиланган устамаларни ҳисобга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда):

2 йилдан 5 йилгача – **0,2**; 5 йилдан 10 йилгача – **0,3**; 10 йилдан 15 йилгача – **0,4**; 15 йилдан 20 йилгача – **0,5**; 20 йилдан 25 йилгача – **0,6**; 25 йилдан ортиқ – **0,7**.

Бунда, соҳада узоқ муддат хизмат қилганлик учун иш ҳақига устама ҳақ олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажини ҳисоблашда Ўзгидромет ва унинг тизим ташкилотларидаги иш стажи инобатга олинади.

Белгилансинки, ушбу бандда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ, шунингдек, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти бино ва иншоотларини сақлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) ушбу бандда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни Давлат бюджети маблағларидан молиялаштиришни таъминласин.

10. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов) Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг иқтисодиёт тармоқларига глобал иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини юмшатишга йўналтирилган гидрометеорология фаолияти бўйича илмий лойиҳаларни шакллантириш орқали илмий-тадқиқот ишланмаларини молиялаштиришни таъминласин.

Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти томонидан 2021-2023 йилларда ўтказиладиган илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари **7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзгидрометнинг **2021/2022 ўқув** йилидан бошлаб **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Гидрометеорология факультетини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси 2021 йилдан бошлаб белгиланган тартибда Ўзгидрометнинг салоҳиятли ходимларини етакчи хорижий таълим, илмий ва ихтисослаштирилган муассасаларда ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда стажировка ўташини ташкил этсин.

13. Ўзгидромет (Ш.Ҳ.Ҳабибуллаев):

а) гидрометеорология соҳасида халқаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли Конвенцияси ва Париж битими доирасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан ҳар ярим йилда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

б) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги (Ш.М.Қодиров), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М.Садиков), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов) билан биргаликда **икки ой** муддатда гидрометеорология фаолиятида сунъий йўлдош ва ерни масофадан зондлаш технологияларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, гидрометеорологик маълумотлар билан алмашиш учун маълумотлар узатишнинг ягона телекоммуникация тармоғини яратиш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

в) Ўзбекистон Республикасида авиацияни метеорологик маълумотлар билан таъминлаш соҳасида халқаро меъёрий ҳужжатлар қоидалари ва талабларини миллий миқёсда амалга ошириш бўйича Жаҳон метеорология ташкилоти ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти билан ҳамкорликни таъминласин;

г) **2021/2022 ўқув йилидан** бошлаб **Россия давлат гидрометеорология университети ва бошқа хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари** бўйича гидрометеорология йўналишида кадрлар тайёрлашни ташкил этсин;

д) хавфли гидрометеорологик ҳодисаларни прогноз қилиш, кузатиш, улар содир бўлиши хавфи юқори бўлган минтақалар ва ҳудудларни аниқлаш, тегишли профилактик тадбирларни амалга ошириш бўйича зарур кўрсатмалар беришни таъминласин, шунингдек, фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимидаги хизматларга тезкор гидрометеорологик маълумотлар тақдим этиб борсин;

е) қуйидагиларни:

**уч ой** муддатда атроф табиий муҳит мониторинги таҳлил лабораторияларининг моддий-техник жиҳозланишини тубдан яхшилаш, шунингдек, таҳлилларни амалга ошириш учун зарур бўлган кимёвий реактивлар, синов газлари, прекурсорлар ва бошқа сарфлаш материаллари билан уларни таъминлаш бўйича таклифларни;

**2022 йилдан бошлаб** ҳар йили 1 декабрга қадар жорий йил учун белгиланган вазифаларнинг бажарилишини чуқур таҳлил қилган ҳолда Концепцияни амалга ошириш юзасидан келгуси йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини;

**2021 йил 1 февралга қадар** гидрометеорология фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятига рухсат бериш ва маълумот алмашиниш тартибини;

**2021 йил 1 мартга қадар** халқаро молия институтлари ва фондларнинг гидрометеореология ва атроф табиий муҳит мониторингини такомиллаштиришга йўналтирилган техник кўмак лойиҳалари дастурини;

**“Гидрометеорология фаолияти тўғрисида”**ги ва **“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган гидрометеоролог” унвонини таъсис этиш тўғрисида”**ги қонунлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ж) Энергетика вазирлиги (А.С.Султанов) билан биргаликда қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш лойиҳаларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида амалга оширишда инвесторларга шартнома асосида метеорологик ва гидрологик маълумотларни тақдим этишни ташкил этсин;

з) Энергетика вазирлигининг буюртмасига биноан, шартномалар асосида, янги қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган ҳудудларда тегишли ўрганиш ва тадқиқотларни амалга оширсин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 8-8о-иловаларга мувофиқ Ўзгидромет буюртмалари бўйича Дастурда назарда тутилган янги очилаётган гидрометеорология станциялари ва постлари учун ер участкалари (суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан ташқари) ажратилишини ҳамда маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига бино-иншоотлар қурилишини таъминласин.

15. Ўзгидромет (Ш.Ҳ.Ҳабибуллаев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) ва Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Ҳамраев) билан биргаликда 9-иловага мувофиқ соҳаларга жалб этиладиган халқаро молия ташкилотлари грантлари ҳисобига мавжуд ва янги очилаётган метеорология, гидрология ва агрометеорология станциялари ва постларини автоматик қурилмалар билан жиҳозлашни ҳамда ходимларнинг малакасини оширишни таъминласин.

16. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж.Бакиров) Ўзгидромет (Ш.Ҳ.Ҳабибуллаев) ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда гидрометеорологик маълумотлар асосида чўлланишнинг олдини олиш, қурғоқчиликка қарши курашиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва иҳота ўрмонларини кўпайтириш ишларини самарали ташкил этсин.

17. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Ҳамраев) Ўзгидромет (Ш.Ҳ.Ҳабибуллаев) билан биргаликда сув захиралари ва ресурсларини назорат қилиш, сув ресурслари бўйича прогнозлар ишончлилигини ошириш бўйича тезкор гидрометеорологик маълумотлар тақдим этиб боришни таъминласин.

18. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М.Садиков) Ўзгидрометда маълумотларни узатиш ягона корпоратив тизимини ташкил этиш орқали гидрометеорологик ахборот ва сунъий йўлдош маълумотлари ягона телекоммуникация тармоғини яратишни таъминласин.

19. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (А.И.Мақсудов), Энергетика вазирлиги (А.С.Султанов) ва Транспорт вазирлигининг (И.Р. Махкамов) Ўзгидромет моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, гидрометеорологик инфратузилмани янгилаш ҳамда соҳага малакали мутахассисларни жалб этиш мақсадида ушбу қарорнинг 10-иловасига мувофиқ маблағларни **бир ой муддатда** кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан тўлов сифатида Ўзгидрометга ўтказиб бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

20. Белгилансинки, Ўзгидромет томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва маълумотлар шартнома асосида тақдим этилади.

Ўзгидромет Бош директорига (Ш.Ҳ.Ҳабибуллаев):

Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзгидромет томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш, об-ҳаво прогнозларининг аниқлигини ошириш ҳамда соҳа инфратузилмасини янгилашга етарлича шарт-шароитлар яратиш мақсадида кўрсатилаётган барча хизмат тарифларини тасдиқлаш;

гидрометеорология соҳасидаги хорижий илғор тажрибасини татбиқ этиш мақсадида хорижий олий таълим муассасалари битирувчиларини ва маҳаллий мутахассисларни белгиланган штат бирликлари доирасида шартнома асосида ишга жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

Малакали мутахассислар ва Ўзгидромет ўртасида тузилган меҳнат шартномасида белгиланган миқдордаги иш ҳақини тўлаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар Ўзгидрометнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда халқаро молия институтларининг грант ва техник кўмак маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилансин.

21. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази тўғрисидаги низомни;

Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти тузилмасини;

Тошкент гидрометеорология техникумида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзгидромет ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш тартибини тасдиқласин;

Ўзгидромет томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тарифлар ишлаб чиқилишини таъминласин.

22. Қуйидагилар:

а) **Бош вазирнинг маслаҳатчиси О.М.Умаров:**

мазкур қарорнинг сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши, масъул вазирлик ҳамда идораларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, улар раҳбарларининг кўрилган чоралар ҳақидаги ҳисоботларини эшитиш, аниқланган муаммо ва камчиликларни тезкор бартараф этишга;

“Йўл харитаси” ва Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини мувофиқлаштиришга;

мазкур қарорда назарда тутилган кўрсаткичларга тўлиқ ва ўз вақтида эришишни таъминлаш юзасидан масъул вазирлик ва идораларнинг биринчи навбатдаги вазифаларини белгилаб бериш ҳамда фаолиятини мувофиқлаштириб боришга;

амалга оширилган ишлар бўйича масъулларнинг ҳар ойлик ҳисоботларини эшитиб боришга;

юклатилган вазифалар тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминламаган мансабдор шахсларга нисбатан лавозимидан озод этишгача бўлган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида таклифлар киритиб боришга;

б) **молия вазири Т.А.Ишметов:**

зарур маблағлар ўз вақтида ажратилиши, манзилли сарфланиши ва тўлиқ ўзлаштирилишига;

бюджетдан қўшимча ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилишга;

в) **Ўзгидромет бош директори Ш.Ҳ.Ҳабибуллаев:**

“Йўл харитаси” ва Дастурда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга;

гидрометеорология хизматларини кўрсатиш фаолиятига интеллектуал тизимлар, ахборот ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этишга;

гидрометеорология хизматининг технологик инфратузилмасини ривожлантиришга;

г) **тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига** “Йўл харитаси” ва Дастурда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ўзгидрометнинг ҳудудий бошқармаларини ривожлантириш дастурларини бажаришга **шахсан масъул ва жавобгар эканлиги** белгилаб қўйилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3029-сон қарори 4-бандининг олтинчи хатбошиси ҳамда қарорга 10-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

24. Ўзгидромет манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

25. Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига **ҳар чорак якуни** бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 17 ноябрь

**Қўғай Учқўрғон туманидаги аҳоли зич яшайдиган, обод ва кўркам қишлоқлардан. Мақоламиз қаҳрамони ҳам шу ҳудуддаги хонадонларнинг бирида истиқомат қилган Одилжон ака ва Сорахон ая оиласида таваллуд топган. Иккинчи фарзанди дунёга келган кунларда туманнинг "Яшиқобод" колхози боғида қурилиш ишларини олиб бораётган отаси таниқли адиблар билан кўришиш бахтига муяссар бўлади.**




Наманган вилояти

# У ЖОНКУЯР ШИФОКОР, ФИДОЙИ ТАРҒИБОТЧИ, БАХТЛИ ОИЛА БЕКАСИ

Ўша пайтда камёб ҳисобланган, фақатгина сувда ўсувчи гулни ҳовуз четида томоша қилаётган шоир Эркин Воҳидовга қиз фарзанд кўрганини айтиб, унга исм танлаб беришини сўрайди. Шунда эл суйган шоир чақалоқнинг исми сув тубидан қуёшга талпиниб, палак отиб, гуллар ёзаётган, мана шу иродали гулдек, Нилуфар бўлсин, дея тилак билдиради. Яхши ният – ярим давлат, деганларидек, Нилуфар ёшлигиданоқ гулдек нозик бўлсада, интилувчан, тиришқоқ, лўнда қилиб айтганда, ушлаган жойини узадиган фарзанд бўлди. Мактабда ва иқтидорли болалар махсус мактаб интернатида ўқиган пайтида ҳам билимга чанқоқлиги, ташкилотчилиги билан устозларининг назарига тушди. Биология фани бўйича республика олимпиадасида "Энг олий қатнашувчи" унвонига муносиб деб топилади. Устозлари Муҳаммаджон Раҳматуллаев ва Гулчеҳрахон Умаралиеваларнинг ишончини оқлади.

Умр оқар дарё экан . Ана-мана дегунча унинг болалик йиллари ортда қолди. 1994 йил 2-Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳининг санитария-гигиена факультетига энг юқори бал билан талабаликка қабул қилинди. Шогирдликка олган Республика санитария-эпидемиология маркази вирусолог шифокори Султона Жемеловадан кўп нарсаларни ўрганди. Бу унинг вилоят санитария-эпидемиология осойишталик марказидаги фаолияти давомида ҳам қўл келди. Касбига меҳр қўйиб ўз устида тинмай изланаётган мутахассис 2006 йилда лаборатория бўлими мудири вазифасига муносиб деб топилди.

Инсонни эл бошига иш тушганда синаб кўр, дея бежиз айтилмаган. Пандемия даврида кўплаб соҳа мутахассислари қатори Нилуфар Аҳмедованинг ҳам орттирган тажрибаси, фидойи саъй-ҳаракатлари наф берди, эл назарига тушди. Энг оғир паллаларда қўл остидаги ходимлари билан мижжа қоқмай тунларни кунларга улади. Таҳлил орқали барвақт касалликни аниқлаш, бошқаларга юқишининг олдини олиш йўлида ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да тиниб-тинчимади. Телевидения, радио, газета-журналларда фаол тарғиботчи сифатида танилди. Нафақат жамоада, кенг жамоатчилик орасида ҳурмат, эътибор қозонди.

– Жорий йилнинг август ойига келиб вазият жиддий тус олди, – дейди у. – Вилоятдаги 3 та таҳлилни аниқлаб берувчи ПЗР аппарати билан туну кун фаолият кўрсатсакда аҳвол ўнгланмади. Таҳлил натижасини ҳатто 5-10 кунгача ололмай қийинчиликларга дуч келаётган одамларни кўриб эзилиб кетдим. Унинг устига бир ойдан ошиқ дам олишсиз лабораторияда "яшаб, ишлаш", оила, фарзандлар соғинчи кўнглимни тўлдирди. Кўзимда ёш билан шаҳар ҳокими Олимжон Исаевга аҳволни тушунтирдим. У бу муаммони вилоят ҳокимлиги даражасига олиб чиқиб тезкор ечимини топди. Наманганга хориждан сув ва ҳаводек зарур бўлган 5 та юқори технологияли замонавий ПЗР тиббий жиҳозлар мажмуаси олиб келиниб, вилоят маркази ва Учқўрғон, Чуст, Янгиқўрғон туманларига ўрнатилди.

Нилуфар қисқа фурсатда зарур мутахассисларни қайта тайёрлаб етказиб беришда жонбозлик кўрсатди. Пировардида таҳлиллар натижасини ҳафталаб кутишга чек қўйилди. Уни узоғи билан 6-12 соат ичида аниқлаб бериш имконияти яратилди. Бу хайрли иш Наманган вилоятида Республика миқёсидаги энг юқори кўрсаткичларни қайд этиш имконини берди. Унинг камторона меҳнати эътироф этилиб, "Содиқ хизматлари учун" медали билан тақдирланди.

Кундан-кунга чирой очиб бораётган гуллар шаҳри Наманганда яна файзли тонг отди. Ўз касбига меҳр қўйиб, эъзоз топаётган вирусолог шифокор Нилуфар Аҳмедова нонушта дастурхонини йиғиштирар экан, турмуш ўртоғи, вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази тиббий ходими Нодирбек Бекмуродов ҳамда фарзандлари Нозимахон ва Асадбекларни иш, ўқишга кузатди. Ўзи эса қадрдон даргоҳи – вилоят СЭОМ маркази томон илдам қадамлар ташлаб борар экан, жисмида бахтиёрлик ҳиссини туйди. Чунки бугун ҳам қанчадан-қанча умидвор кўзлар унинг йўлини пойлаб турибди. Шундай экан, уни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган ота-онаси, доимо қўллаб-қувватлаб келаётган устозлари, аҳил жамоаси ва одамлар ишончини оқламоғи керак.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



# ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БИЛАН БОҒЛИҚ

## ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДА ХАБАР БЕРАДИГАН МАХСУС АЛОҚА КАНАЛЛАРИНИ ИШГА ТУШИРДИ

***Банк мижозлари ва ходимлари тизимдаги коррупцион хавф-хатарлар юзасидан Банк Коррупцияга қарши курашиш комиссиясига мурожаат қилиш имкони яратилди.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил январь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида коррупцияга қарши жамиятнинг барча аъзолари "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланмас ва коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтилмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаслигимизни таъкидлаган эди.

Ўзсаноатқурилишбанк тизимига ҳам ҳалоллик стандартларини жорий этиш, бунда коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратиш, ходимлар зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштиришга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Жорий йилнинг 13 ноябридан Ўзсаноатқурилишбанк тизимида йўлга қўйилган коррупцион ҳолатлар тўғрисида маълумотларни тўплашнинг янги механизми бу йўналишдаги ишларнинг амалий ифодасидир. Мазкур механизм банк тизимида коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳақида ишончли маълумотларни доимий равишда йиғиш, таҳлил қилиш ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини тизимли ва чуқур таҳлил қилиш имконини беради.

Ушбу жараёнга кенг жамоатчилик, айниқса, банк ходимлари, мижозлари ва ҳамкорларини жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, эндиликда фуқаролар тизимда коррупцияга оид хавф-хатарга дуч келганда алоҳида ажратилган ишонч телефони (0-800-120-8888), Telegram боти ***(@sqbantikor_bot)*** ва электрон почта ***(https://uzpsb.uz/uz/compliance-hotline/)*** орқали банкнинг махсус аксилкоррупция бўлинмасига аноним ва шахсини очиқлаган ҳолда хабар бериши мумкин.

Хабарлар автоматик равишда қабул қилинади ва тайёргарликдан ўтган мутахассислар гуруҳи томонидан таҳлил қилинади. Таҳлил натижалари эса Банк Коррупцияга қарши курашиш комиссиясига чора кўриш учун тақдим қилинади.

**Банк Ахборот хизмати.**

# ЗАМОНАВИЙ ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Корхона йилига 100 минг тонна, бир кунда 270 тонна махсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот тўлиқ экспортга мўлжалланган. У хорижга йилига 1 миллион АҚШ долларилик маҳсулот чиқариши кутиляпти.

Янги корхонанинг дастлабки босқичи ишга тушиши билан 50 та янги иш ўрни яратилади.

Корхонанинг асосий қурилиш ишлари якунига етди. Хитой Халқ Республикасидан олиб келинган асбоб-ускуналар ўрнатилди.

2023 йил якунига қадар битказилиши мўлжалланган лойиҳанинг кейинги босқичида хомашёнинг ортиқча исроф бўлишининг олдини олиш, атроф-муҳитга зарар етказмаслик мақсадида замонавий қадоқлаш цехи ишга туширилади, оҳак чиқитидан қўшимча маҳсулотлар олинади. Жумладан, хомашё чиқитидан карбамид, йўл қурилишида, тиббиётда қўлланиладиган материаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

– Вилоятда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда самарали ишлар амалга оширлаётир, – дейди вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бўлим бошлиғи Искандар Аҳатов. – Ҳудуддаги бой табиий ресурс манбалари, қулай тадбиркорлик муҳити хорижий инвесторларни ўзига жалб этмоқда. Шу имкониятлардан фойдаланиб жорий йилда 302,5 миллион АҚШ доллари ҳажмида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштириш белгиланган. Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарни барпо этишда табиий ресурсларга бой, марказдан олис ҳудудларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу эътибор туфайли вилоятнинг Фориш тумани хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар энг кўп ҳудуд ҳисобланади. Ушбу завод барпо этилиши билан туманда хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 24 тага етди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, қулай инвестиция муҳитини яратишга берилаётган эътибор туфайли пандемия даври қийинчиликларига қарамай вилоятда хорижий капитал иштирокидаги йирик корхоналарни барпо этиш, янги иш ўринлари яратиш изчил давом этаётир. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда хорижий капитал иштирокидаги 16 та янги корхона ва ташкилотлар ташкил этилди.

Вилоят статистика бошқармаси маълумотларига кўра, вилоятда рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 200 та бўлиб, улардан 193 таси ёки 96,5 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19 тага ёки 110,5 фоизга ошди.

Янги корхоналар, янги қувватлар ишга туширилиши халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Айниқса, чекка ҳудудларда йирик корхоналар барпо этилаётгани тадбиркорликни, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш билан бирга қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга ҳам муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

**Тошқул БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТАДБИРКОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН БИЗНЕС-ОМБУДСМАН ВА САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИГА АЛОҲИДА ҲУҚУҚ БЕРИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Президентимиз раислигида суд ҳужжатлари ижро этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишига бағишланган брифинг ташкил қилинди.***

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўринбосари Жамшид Ўринов ушбу йиғилишда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, қуйидагича фикр билдирди:

– Йиғилишда пандемия туфайли қарздор бўлиб қолган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бизнес субъектларига бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини яратиш вазифаси белгиланди, – дейди Ж.Ўринов. – Бунинг учун Бизнес-омбудсман ва Савдо-саноат палатасига алоҳида ҳуқуқ берилди. Яъни, уларнинг шароитларини ўрганган ҳолда тадбиркорлар номидан суд органлари ва қарздорликни ундиришни белгилаган органларга мурожаат қилиб, қарзни кечиктириб, бўлиб-бўлиб тўлаш масаласини қўйиш ва ҳал қилиш ваколати белгиланди.

Қайд этилганидек, илгари суд қарори чиққанидан сўнг қарор бўйича норозиликлар бўлса, фақатгина тарафлар шикоят қилиши мумкин, лекин бундай ҳолатларда Бизнес омбудсманнинг аралашишга ваколати йўқ эди.

**ЎзА**

Фарғона вилояти

# ШЎР ЮВИШ МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

**Фарғона вилоятининг Данғара ва Ўзбекистон туманларида ерларни шўр ювишга тайёрлашга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Семинарда вилоят ҳокими Хайрулло Бозаров бошчилигида барча сектор раҳбарлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларининг масъул ходимлари, фермерлар, 88 та шўр ювиш отрядларининг аъзолари иштирок этди.**



Ҳозирги асосий вазифа кузги-қишки мавсумда келгуси йил ҳосили учун замин тайёрлаш, яъни мавжуд коллектор-зовур тармоқларини ишчи ҳолатга келтирган ҳолда шўр ювиш тадбирларини сифатли ташкил этиш ҳақида гап борди.



Кўргазмали семинарда соҳага дахлдор мутахассислар, тажрибали фермерлар сўзга чиқиб, кўзги шудгордан кейинги шўр ювиш ва яхоб суви беришнинг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини далиллар асосида сўзладилар

Вилоятда жами 1314 километр узунликдаги коллектор тармоқларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Натижада 51 389 гектар ер майдонларининг мелиоратив ҳолати барқарорлаштирилишига эришилди.

Семинарда отряд аъзоларига ерларни 40-45 см. чуқурликда шудгорлаш, ер майдонларини тайёрлашда шўр ювиш олдидан бир хилда текислаш зарурлиги тушунтириб ўтилди. Жорий йил куз ва қиш ойларида вилоятнинг 125 та ҳудудида 1 846 та фермер хўжалигининг 54 000 гектар экин майдони ерларида шўр ювилади. Шўр ювиш ва у билан боғлиқ ишларни амалга ошириш учун 56 та отяд тузилган бўлиб, уларнинг таркибида 8000 киши фаолият кўрсатмоқда.

Вилоят раҳбари шўр ювиш, яхоб суви бериш каби муҳим вазифалар олдидан отряд аъзолари, фермерлар билан суҳбатлашди.

Ҳар бир сувчи ва механизаторга иш бошидан пул маблағлари берилгани уларни сидқидилдан меҳнат қилишга, пировардида келгуси йил ҳосилининг юқори бўлишига замин яратади. Йил якунида қилинган меҳнатга яраша қўшимча рағбатлантириладиган бўлди.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛИ АТРОФИДА УЛКАН БАЙРОҚ ЁЙИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги қонун қабул қилинган куннинг 29 йиллиги муносабати билан Арнасой тумани Наврўз қўрғонидаги Айдар-Арнасой кўли атрофида бир гуруҳ ёшлар 90 га 60 метрли Ўзбекистон байроғини кенг қулоч қилиб ёйишди.**



Унда Ўзбекистон Ёшлар ишлари Агентлиги Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи Дилмурод Худойшукуров бошчилигида фаоллик кўрсатган Жиззах олимпия захиралари коллежи ёшлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Арнасой тумани Кенгашининг фаол ёшлари ҳамда Миллий гвардия ходимлари иштирок этишди.

Бундан кўзланган мақсад ёшлар онги-тафаккурида мустақил Ўзбекистон байроғи – ўзбек халқининг азалий орзулари тимсоли сифатида эътироф этилиши бўлди.

Мусаффо осмон остида она заминимиз узра ёйилган байроқдаги мовий ранг – унинг остида барча миллатлар турли хил хавф-хатарлардан холи, эмин-эркин ҳолда яшаб келаётган мусаффо осмонимиз ҳамда обиҳаёт рамзи бўлса, оқ ранг – давлатимиз фуқароларининг ўзаро ҳамжиҳатликда, бир-бирини ҳурмат қилиб, диний бағрикенглик тамойиллари асосида тинч-тотув яшаётганининг тимсоли гавдаланади. Яшил ранг эса табиатнинг янгиланиши ҳамда юртимизнинг жаннатмонанд эканлигини ҳамда қизил чизиқлар давлатимиз фаровонлиги, жамият тараққиёти йўлида ўзаро ҳамжиҳатлик билан ҳормай-толмай меҳнат қилаётган юрт фарзандларининг вужудида оқаётган ҳаётий қудрат ирмоқлари сифатида эътироф этилиши юзасидан тушинчалар берилди.



Шундан сўнг, байрам тадбири Арнасой тумани Маданият марказида “Байроғимиз – фахримиз ва ифтихоримиздир” мавзусида ташкил этилган саҳнавий чиқишлар, куй-қўшиқларга уланиб кетди.

Унда Арнасой тумани ҳокими Хуршид Алимардонов, 4 та сектор раҳбарлари, туман Халқ қабулхонаси ва тумандаги Бош вазир қабулхонаси раҳбарлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман кенгаши, Республика маънавият ва маърифат маркази туман бўлими, тумандаги таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда аҳоли иштирок этди.

Дастлаб, доиралар садоси остида чиқишлар йиғилганлар кўнглига хурсандчилик бахшида этган бўлса, жажжи болажонларнинг саҳнавий кўриниши орқали қўлларидаги сарбаланд байроғимиз йиғилганлар қалбида асрий орзу-истаклари, ғайрати ва шижоатини уйғотиб юборди.

Сана муносабати билан ўтказилган тадбир давомида бир гуруҳ санъаткорлар, туман Маданият бўлими ва 5-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби ижодий жамоасининг дилтортар ижролари барчага манзур бўлди.

**Ўз мухбиримиз.**

# “ФАРИДАНИНГ ИККИ МИНГ ҚЎШИҒИ”

## *“Москва премьераси” халқаро кинофестивали Гран-приси ғолиби бўлди!*




Ёлқин Тўйчиевнинг “Фариданинг икки минг қўшиғи” бадиий фильми Россияда ўтказилган “Москва премьераси” халқаро кинофестивалида Гран-прини қўлга киритди.

“Москва премьераси” Ҳамдўстлик мамлакатлари фильмлари II-халқаро фестивали жорий йилнинг 12-17 ноябрь кунлари Россиянинг Москва шаҳрида бўлиб ўтди.

Унда МДҲга аъзо мамлакатлар, жумладан, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Латвия, Молдова, Россия, Ўзбекистон, Эстония каби давлатларнинг миллий фильмлари иштирок этди.

# ГАЗ ҚУРИЛМАЛАРИ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИЛДИ

**Яккасарой тумани фавқулодда вазиятлар бўлими, "Ҳудудгаз тармоқлари" корхонаси ҳамда туман ёнғинни сақлаш жамияти ҳамкорликда аҳоли хонадонлари, мактаблар ва боғчаларнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги бўйича техник ўрганишлар олиб бормоқда.**

Хонадонлар, ижтимоий объектларнинг иситиш мўриконларининг созлиги текширилиб, газ қурилмалари техник кўрикдан ўтказилди. Шунингдек, туман ҳудудидаги қурилиш майдонларида ўрнатилган қурилиш вагонларида келиб чиқиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, ис газидан заҳарланиш ҳолатлари борасида ҳам тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

**Шуҳрат ХАЛИЛОВ,**
*Яккасарой тумани ФВБ П ва НБ мутахассиси, катта сержант.*

## СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

# КЕЛГУСИ ЙИЛ ЁЗДА ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

**Халқаро олимпия қўмитаси раҳбари Томас Бах Япония Бош вазири Ёсихидэ Суга билан глобал пандемия давом этишига қарамай, келгуси ёзда Олимпия ўйинлари режалаштирилган тарзда ўтказилишига келишиб олди, деб хабар беради Kyodo News.**

Японияга тўрт кунлик ташриф билан келган Бах ва Суга ўйинларга тайёргарликнинг боришини муҳокама қилдилар. Учрашувдан сўнг журналистларга берган интервьюсида Бах, томошабинлар мусобақаларни кузатиш учун спорт иншоотларига кира олишларига ваъда бериб, агар ўша кунгача вакцина топилса, ХОҚ барча спортчилар эмланишини таъминлаш бўйича ҳаракатларни кучайтиради, дея таъкидлади.

“Бугунги учрашувда келгуси йил ёзда Олимпия ва Паралимпия ўйинларини катта муваффақият билан ўтказиш учун қатъий ва ишончли қарорга келдик”, – деди халқаро ташкилот раҳбари.

Бошқа мамлакатлар билан таққослаганда, Японияга пандемия нисбатан таъсир кўрсатмади. Бироқ сўнгги кунларда мамлакатда ҳар куни рекорд даражада касалланишлар қайд этиляпти.

“Биз томошабинлар бўлади, деган тахмин асосида турли чораларни кўряпмиз. Президент Бах билан Олимпия ўйинлари хавфсизлигини таъминлаш учун яқиндан ҳамкорлик қилишга келишиб олдик”, – деди Суга журналистларга.

ХОҚ раҳбари сешанба куни Олимпия қишлоғи ва Миллий стадионга ташриф буюрди. 2019 йил ноябрь ойида қуриб битказилган ушбу стадион Токио ўйинлари пайтида енгил атлетика ва футбол баҳсларига мезбонлик қилади, шунингдек, ўйинларнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ҳам шу ерда ўтказилади.

**Маркс ЮСУПОВ тайёрлади.**




# ЖАҲОН КУБОГИДА МУТЛАҚ ҒАЛАБА

**Перуда оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган Жаҳон кубогининг яна бир куни муваффақиятли якунланди. Унда -96 кг. вазн тоифасида иштирок этган ҳамюртимиз Қурбонмурод Намозов ғалаба қозонди.**

Ёш вакилимиз олтин медаль йўлида туркиялик Эмре Ўзтурк билан рақобатлашди. Якунда маҳорат ва тайёргарлик бобида устунроқ бўлган Намозов асосий рақибини даст кўтаришда 7 кг. силтаб кўтариш машқи бўйича 8 кг.га ортда қолдиришга муваффақ бўлди.

**Оғир атлетика бўйича Жаҳон кубоги.**

**Ўсмирлар, -96 кг.:**

1. Қурбонмурод Намозов (Ўзбекистон) – 320 кг. *(142 кг. + 178 кг.)*
2. Эмре Ўзтурк (Туркия) – 305 кг. *(135 кг. + 170 кг.)*
3. Микита Рубановски (Польша) – 298 кг. *(133 кг. + 168 кг.)*

Сирдарё вилояти

# “ШАРҚОБОД”ДА ЗАМОНАВИЙ ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА

**Ховос тумани “Шарқобод” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида қайта таъмирланган замонавий оилавий поликлиника фаолият кўрсата бошлади. Оилавий поликлиникани таъмирлашга 328 миллион сўм давлат маблағи сарфланди.**

Пандемия шароитида “Шарқобод” ва “Ўзбекистон Мустақиллигининг 25 йиллиги” маҳалла фуқаролар йиғинларининг 4200 нафар аҳолиси барча қулайликлар муҳайё этилган қишлоқ оилавий поликлиникасига эга бўлдилар. Уларга 11 нафар тиббиёт ходими шинам ва ёруғ хоналарда малакали хизмат кўрсатишмоқда.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

## РЕКЛАМА

**ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ**

**Қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:**



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

**Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.**

e-mail:chzsxt@mail.ru Хизматлар лицензияланган. Маҳсулотлар сертификатланган.

## ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикасининг 03.06.2015 йилдаги “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунининг 43-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 31.07.2012 йилда 2383-сон билан рўйхатга олинган “Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотни тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари”га мувофиқ Parpiyev Dilmuradjon Batirovich ҳақида қуйидаги маълумотлар берилади:**

| АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ 20 ЁКИ УНДАН ОРТИҚ ФОИЗИНИ СОТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ | |
|---|---|
| Улуш эгасининг номи: *(жисмоний шахснинг тўлиқ номи ёки юридик шахснинг тўлиқ номи)* | Parpiyev Dilmuradjon Batirovich |
| Улуш эгасининг жойлашган жойи (почта манзили) | Toshkent shahar, Yakkasaroy tumani, Yunus Rajabiy ko‘cha, 2/2 uy |
| Акцияларни сотиб олишда иштирок этувчи улуш эгасининг филиаллари | |
| Филиалларнинг жойлашиши | |
| Акциядорлик жамиятининг тўлиқ номи | <Trastbank> xususiy aksiyadorlik banki |
| Битим санаси | 18.11.2020 |
| Битим тури | Биржадан ташқари шартнома |
| Устав капиталидан сотиб олинган акциялар миқдори (%) | 3,369682 |
| Битимдан кейин ўтказилган акциялар сони (донада) | 83 847 108 |

МЧЖ "Lion Stone Trans Brokers" (ИНН: 302873391) ўз таъсисчилари сафида ўзгаришни ва устав фонди 5 513 288 000 сўмдан 50 000 сўмга қадар туширишини эълон қилади. Эътирозлар 71 248-58-02 рақами орқали 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 9-мавзе 40-А уй 14-хонадон эгасига Минаварходжаева Карима Хашимовна номига Чилонзор тумани БТИ томонидан берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги жамоаси вазирнинг биринчи ўринбосари Баҳодир Рўзибоевга акаси **Эркинбой РЎЗИБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

**Qishloq hayoti**

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Ҳабиб ТЕМИРОВ *(Бош муҳаррир ўринбосари)*

Раимқул СУЯРОВ *(Бош муҳаррир ўринбосари)*

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР.

Саҳифаловчи-дизайнер: **Маркс ЮСУПОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-1125, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
**1 970** нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.

**Телефонлар:** Қабулхона – 236-26-50. **Аграр масалалар бўлими** – 236-26-47.
**Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** – 233-76-78. **Факс** – 233-44-43, 233-09-93.
**Реклама ва эълонлар** – 236-26-50, 233-28-04. **e-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 5 6

**Баҳоси келишилган нархда.**

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.30